

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 11 ноябр, жума № 181 (2022)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари

Мирзачўл туманида ажиб феълли ва инсоний фазилатли кишилар кўп. Шулардан бири «Пахтазор» агрохизмат маркази худудидagi «Уташ ота» фермер хўжалиги раҳбари Саодатхон Қўнаровдир. У ўтган йили банкрот бўлган фермер хўжалиги ерини олди.

САОДАТ

Чекингга тушса, чек-чайма, деган нақл бор, - дея гап бошлади Саодатхон биз билан суҳбатда. - Бурноғи йилнинг кеч қушида менинг чекимга тушган ер шўр босган, шу боис на пахтадан, на галладан ёлчиб ҳосил берган эди. Турмуш ўртоғим Бахтиёр Намозов билан пайкал четда туриб, иккимиз ҳам ҳайронмиз. Кўнглимизда «Хай, бу ер - ер бўлмас-ов, ундан барак топишимиз қийин» деган ўй чарх урарди.

Бир пайт ёнгинамизга машина келиб тўхтади. Улар туманимиз ҳокими Муса Анорбоев билан агрохизмат маркази раиси Хайдар Абдурахмоновлар экан. Кўнглимиздаги ҳадик ва ишонсизлик юзларидида зоҳир бўлиб турган шекилли, ҳоким ҳазиллашди:

Турпоқни қаранг, шўрнинг қўпчилигидан хатто, ажриқ ва шўрлар ҳам нимжон, қовжираб ётибди. - Кўрққанларга қўша кўрсатаверманг, - деди Хайдар ака қўлиб. - Хали кўрасиз, бу азаматлар фермер қандай бўлишини кўпчиликка кўрсатиб қўйишади. Шундан сўнг у бироз ўйланиб турди-да, менга деди: - Узим ёрдам бераман, бардам бўлинг. Мени бугундан бошлаб фермер хўжалигининг ҳосилоти, деб рўйхатга тиркаб қўверинг. Далангиз йўл устида. Бу ердан кўпчилик ўтади. Яна кўра топишимиз қийин. Биринчи маслахатим - пайкалнинг икки четидан иккита муваққат зовур қазийсиз-да, қиш бўйи икки марта шўр ювасиз. Бошқа маслахатларни кейин айтаман.

Шу насихатдан сўнг Саодатхоннинг юрагидида умид уйғонди. Эртасига битта «Олтой» тракторини ёллаб, далани қайта шудгорлади. Чунки ер чалароқ ва сифатсизроқ хайдалган экан. Сўнг ишчилар Абдухажоб Маҳамов, Қарамон Усмонов, Тўлқин Қўшмуродовлар билан белга фартук боғлаб, ажриқ



шўра, печак, гумай каби беғона ўт илдизларини терди. Шудгордан сўнг ерга 600 тоннага яқин гўнг солди. Эндиги вазифа шўри ювилган, текисланган далада дон ва чигит-экиш, уларни агротехника қондалари асосида парваришлад ва ниҳоят, ҳосил етиштириш. Ҳосил эса, фермер хўжалиги аъзолари кутганидан ҳам мўл бўлди. 23 гектар галларзорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан сара дон, 17 гектар пахтазорнинг ҳар гекта-

Шундан 53 тоннасини давлатга сотдик. Бешта кам таъминланган оилалар ва уч нафар ногиронларга беш тоннача галла бердик. 10 тонна бугдойни ишчиларга таркатдик. Гўза парваришининг айна кизгин кунларида қатнашганларга устама мукофот сифатида галла бергандик. Хатто, пахта йиғим-теримига Самарқанддан хашарга келган 5 - 6 нафар хашарчиларга ҳам қўшимча бугдой берилди. Суҳбатимиз асосида пахтачиликдаги пировард натижага қизикдик. Ҳар гектар пахтазордан шартнома режасидаги 25,1 ўрнига 31,5 центнердан ҳосил кўтаришибди. Бу - 17,5 миллион сўм демакдир. Йиллик ҳаражатлар чегирилса, 8 миллион 300 минг сўми соф фойда сифатида қоларкан. - Ҳозирча лизинг асосида трактор олмақчиман, - дейди яна Саодат. - Келаси йилдан эса пайкалнинг дренажларини янгилаш ниятим бор. Менга ёрдам бериб, қўлаб-қувватланганларга катта раҳмат!

Фермер ҳам, хўжаликнинг ишчилари ҳам шу тариқа деҳқончилик ҳақисини олишди. Бу жорий йилги меҳнат натижаларида яққол акс этди. Улар 23 гектар майдонда пахта, 17 гектар ерда галла етиштирдилар. Галла ҳосилдорлиги гектаридан 55 центнер бўлди. - Ҳақиқатдан бу йил мўл галла ҳосили етиштирдик, - дейди Саодатхон Қўнарова.

К. ЖҲҲҲҲҲ

ЧИРОЙИ ЎЗГАЧА

Навоий шахрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилгани боис, у қўнандуришга гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда.

Навоий Давлат педагогика институти, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва тураржой бинолари шахар кўрғига кўрк қўшиб турибди. Ҳар йили ўнлаб янги бинолар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Ана шу қурилиш иншоотларига бино қопламалари етказиб беришда «Гипсакорт» кичик корхонасининг ҳиссаси катта бўлаётди.

«Навоий электромеханика» ҳиссасдорлик жамиятининг бўшаб қолган биносида гипсдан картон ишлаб чиқарадиган жамоа иш бошлаганига бир йилдан ошди. Бу ерда хориж технологияси асосида кунига 500 тагача гипсакорт ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ишчилари ҳар ойда буюртмачиларга юз миллион сўмлик маҳсулот етказиб бераётди. Келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини икки баравар кўпайтириш ва ишчилар сонини 50 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

К. ЖҲҲҲҲҲ

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 27 сентябр сонидида «Бир мактабдаги қонунбузулишлар қандай бартараф этилди» сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Денов туман Сино кишлоқдаги 60-мактабда йўл қўйилган бир қатор камчиликлар тилга олинган. Яқинда ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

«Фуқаро Х.Зикиров ва бошқа бир гуруҳ шахсларнинг бир неча марта юқори органларга ёзган аризалари ҳамда газетамиздаги буйича туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди. Унда мактабнинг ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳабибулло Убайдуллоев ўқитувчи Саломхон Шодмоновга 2004 йил март, апрел, май ойлари нафақа пулларини кам бериб, ўзганинг мулкни талон-тарож қилганини аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича унга ниобатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси 1-қисми билан маъмурий

бузилишларга йўл қўйган мактаб директори Г.Каримова ва унинг ўринбосарлари Х.Убайдуллоев, О.Алимардонов, И.Азизов ва С.Қурбоновлар интизомий жазога тортилдилар. Бу аччиқ сабоқдир.

АЧЧИК САБОК

Мактабнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан етарлича назорат олиб борилмаганлиги учун туман халқ таълими бўлимининг мансабдор шахсларини интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ҳақида вилоят халқ таълими бошқармасига ҳам тақдимнома киритилди. У бошқарманинг кенгайтирилган йилга қўйиб қўйилди ва бўлим мудири М.Сапиев бошқа ишга ўтказилди. Х.АБДУВОХИДОВ, Денов туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

Олдимизда турган ўта муҳим, масъулиятли вазибаларни муваффақиятли амалга ошириш аввало раҳбар кадрларнинг салоҳияти, қатъиятчилиги, ташкилотчилиги, ҳаммаи адолат билан иш юритишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, ҳақиқий раҳбар мана шу ер - меники, мана шу юрт - ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш, менинг нафақат вазирам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур. Шундагина ташаббускор ва изланувчан, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ҳам ечинини топа олади.

РАҲБАР

ҳалол ва ҳолис бўлиб, адолат билан иш юритишга даъват этилган

Буни Сирдарё вилояти хўжаликларидида ишлаётган фидойи инсонлар фаолияти орқали ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2005 йил пахта йиғим-терими даврида омилкор, ташаббускор етакчилар росманга файрат кўрсатишди. Муҳими, раҳбар мутахассислар кўпи ўз ордидан эргаштира олдилар. Бироқ, шундайлар ҳам борки, улар фақат ўзларини, ҳамёнларини ўйлаб, кингир ишларга қўл уришди. Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни талон-тарож қилиш, умрини зоё ўтказишга сабабчи бўлишди.

Мирзаобод туманидаги «Абдувалов» фермер хўжалиги раҳбари А.Боймонов фаолиятини олайлик. У тасаруфидидаги 16 гектар ерни вақтида шудгорлаш, озиклантириш ўрнига қаровсиз ташлаб қўйган. Бу ҳам етмаганидек, нафси ҳаққалак отган фермер мулкдорлик мақомини берувчи мандатдан устомонлик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. У Гулистон нефть базаси унитар корхонаси томонидан галла ва пахта етиштириш учун ажратилган 1 миллион сўмдан ортиқ ёниғи-мойлаш материалларини номаълум шахсларга пуллаб юборди. Оқибатда, кузакда қилмиши ошкор бўлиб, ўзини қўйрга жой тополмай қолди. Шу тумандаги «Меҳрибон» фермер хўжалиги ҳам ердан қонунга зид равишда фойдаланиб келган. Бир йилгина аввал В.Абдужаббаров 61,5 гектар майдонга эга бўлганди. Ишлашга буйин ёр бермаган сохта фермернинг ҳуви чиқди. Ҳаммадан ҳам «Кўктош сеҳри» фермер хўжалиги раҳбари О.Саидованинг қилмиши ҳаммани ташвишга солди. У шартномада кўрсатилган 21 тонна ўрнига бор-йўли 5,1 тонна галла топширди ҳолис. Ернинг қолганига ўзбошимчалик билан шолга эккан. Шартнома шартларига хиёнат қилганлиги учун унга муносиб равишда чора кўрилди.

Туман прокуратураси ходимларининг таъкидлашларича, «Шохмот шаҳри» фермер хўжалиги аъзолари аввал неча бор оғохлантирилган эди. Бироқ, унинг етакчиси қонуний талабни писанд этмай 2 гектар 7 сотик ерга маккажўхори, 3 гектарга кунгабоқар, 2,5 гектарга эса шолга экиб юборган. Энг ачинарлиси, режалаштирилган экинлар қаровсиз қолиб, анчаси нобуд бўлган. Ернинг умрини зоё ўтказиш кимга фойда-ю, кимга зиён. Ахир, фермерлар тегишли хўжатларни расмийлаштиришда ҳар қарч ерни

Вилоятнинг меҳнаткашлари халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтилган гаплар, ечимини кутаётган муаммолар бизларга ҳам тўғридан-тўғри тегишлидир, дея таъкидлашмоқда. Бу йил том маънода деҳқончилик йили бўлди. Бироқ, деҳқонлар таъбири билан айтганда, йил йилга ўхшамайди. Шу боис ҳар қандай ҳолатларга тайёр туришимиз, доимий, барқарор даромад манбаларини излаб топиш ва ишга солиш ҳақида бош қотиришимиз зарур.

Н.ШАМСИЕВ, журналист

Хабарингиз бор, «РУСАЛ» компанияси Тожикистоннинг Турсонда шахридаги алюминий заводини қайта реконструкция қилиш учун 150 миллион доллар маблағ ажратмоқчи. Агар мазкур лойиҳа амалга ошадиган бўлса, «ТоҳАЗ»нинг ишлаб чиқариш қуввати йилига яна 100 минг тоннага ошади. Яъни, шундан ҳам минтақа экологиясига йилгирма йиллардан буён мислсиз зарар келтираётган заводнинг талофати яна ҳам кўпаяди. «РУСАЛ»нинг мазкур «ўта фойдали» шартномаси нафақат Ўзбекистон жамоатчилигида, балки табиатни муҳофизат қилувчи бир қатор халқаро ташкилотлар ўртасида қаттиқ норозилик уйғотмоқда.

Бу ҳақда ўзбек зиёлилари, табиат жонқуярлари ўрта асрнинг 80-йилларидан буён тинимсиз бонг уриб келишди. Заводнинг Сурхондарё вилоятига келтирилган зарарини ўрганиш учун бир неча бор экспедициялар ташкил қилинди. Ўтган йиллар оралиғида қўлаб тадқиқотлар олиб борилди. Хулоса эса бундан: «ТоҳАЗ» нафақат табиат уйғунлигига, балки инсон соғлиғига ҳам кескин салбий таъсир кўрсатмоқда. Атмосферанинг бузилиши аҳоли орасида турли касалликларнинг ортишига сабаб бўлаётгани табиб-тўғрилар томонидан исботлаб берилди. Лекин собиқ шўрлар даврида бундай ҳақиқатларга эътибор берилмади. Тожикистоннинг бир-иккита қорчалонлари айтганидай, заводнинг офати тўғрисида норозилик яқинда пайдо бўлгани йўқ. Уларнинг айтишича, айна пайтда мазкур муаммони баҳамжи-

хат ҳал қилишда Тожикистоннинг расмий доиралари билан Ўзбекистон тарафи ҳамкорлик қилмаётганимиш. Қўшиларимизнинг фақат сўзгагина қолиб қетаётган «хамкорлик ўрнатиш» борадиган сабаб-ҳаракатларини қандай тушунмоқ керак? Ёр неча бор таъкидланганидек, Ўзбекистон мазкур муаммони ҳал қилиш йўлида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаяпти. Лекин расмий Душанбеге қалганда...

Яқинда Тожикистон Атроф-муҳит ва ўрмон хўжалигини муҳофизат қилиш давлат қўмитаси раиси Юрибосари Рустам Латипов «Авесто» ахборот агентлигига берган интервьюсида алюминий заводини Сурхондарё вилояти аҳолиси саломатлигига келтираётган салбий таъсирини ҳамкорликда тўлиқ ўрганиб чиқиш лозимлиги ҳақида яқши бир ташаббус билан чиқди. Лекин унинг айтишича, бундай ҳамкорликка икки мамлакат ўртасидаги виза тизими халақит бераётган эмиш. Шу ўринда Рустам Латипов жаноблари виза тизими ҳамкорликка қандай тўсиқ бўлаётганини аниқлаштиришларга яқши бўларди. Чунки, унинг келтирган бу «сабаби»да бошқаларни билмадимиз, мен ондай журналист сифатида ҳеч қандай мантиқ кўрмадим. Виза тизими аксарият дунё давлатлари томонидан қўлланиладиган амалиёт.

Хар бир давлат ички хавфсизлигини таъминлаш йўлида мазкур тизимдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Ўзбекистонга пок ният билан келувчиларга мамлакатимиз эшикларини ҳамма оқиб, Қани, Латипов жаноблари марҳамат қилиб айтишнинг, қайси тожикистонлик табиат қўриқчиси ёки олим «Сурхондарёда алюминий заводи келтираётган зарарнинг оқибатларини ўрганаман, менга виза бер» дея элчиномага мурожа-

ат қилганда, унга рад жавоби берилади? Агар бир-иккита яққол мисол келтирсак, бу вақтлар анчайин мантиқли бўларди. Афсуски, ундай эмас-да! Ўзбекистон халқи мазкур масаланинг адолатли ечим топишини Тожикистон аҳолиси каби бирдек истаётди. Такроран айтиш керакики, «ТоҳАЗ» юзга келтирилган муаммони ҳал этишда Ўзбекистон тарафи ҳар доим ҳамкорлик қилишга тайёр. Рустам Латиповнинг «Авесто» орқали яна баёнот билан чиққан ҳар қандай одамни ажаблантиради. Унинг айтишича, Тожикистон Ўзбекистонга қараганда 18 баравар кам чиқинди чиқараётган эмиш. Назаримда, Латипов касбий бурчини унутиб қўйган кўринади. Унинг бу чиққиси: «Ўзбекистондан бизнинг кам жойимиз йўқ. Шундай экан, биз ҳам алюминий заводи фаолиятини кенгайтириб, чиқинди миқдорини

Муносабат

қўпайтирамиз» демоқчимиз? Мухтарам Латипов, алюминий заводнинг аҳоли соғлиғи ва атмосферага, қўйингки, табиатга етказмаган даҳшатли таъсирини бошқалардан кўра яхшироқ англаб етгансиз. Шундай экан, ушбу масалада Ўзбекистонга қарши тош отдан кўра, ўз ҳукуматининг табиатга етказмаган тажовузига қарши туришга ҳамкасбларингизни, халқингизни руҳлантирсангиз, касбингизга бекисб садокатингизни намойён этган бўлардингиз. Ҳар қалай, сизнинг касбингиздаги одам табиатга ва ўз юрдуларингиз соғлиғига ошқора тажовузини ёқлаб чиқиши жуда янғили ҳолат. Майли, энди сизнинг Ўзбекистон борасида билдирган «танқидий» фикрларингизни бир муҳокама қилиб ўтсак. «Марказий Осиёдаги умумий чиқинди миқдорининг 28,7 фоизи, яъни 2,1 миллион тоннаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиши» алоҳида «урғулгансиз». Чикиндилар табиатга етказилаётган таъсир жиҳатидан даражаларга бўлинади. Алюминий заводдан чиқаятган тўтун атмосфераини фойдалантириш бўйича иккинчи даражада туришини жуда яқши биласиз-ку. (Давоми 2-бетда)

И.КАРИМОВ

Бундан 4 йил муқаддам сув танқислигидан азият чеklang Нукус тумани меҳнатқашлари об-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш йўллари излашга киришдилар. Дастлаб сабзавот ва поллиз экинларини томчилятиб суғоришнинг Исроил технологияси қўлланила бошланди.

Қорақалпоғистон Жўкорги Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз «Қорақалпоғистон» агроҳўжалигида томчилятиб суғориш орқали етиштириладиган ноз-неъматлар ҳар қандай кишини ҳайратга солишини таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам ўшанда иссоқхона ҳўжалигининг помидор, бодринг, бўлғор қалампир ва ошқўқлари нафақат ички бозор, балки Қозғистон ва Россия давлатларидаги истеъмолчиларга ҳам манзур бўлган эди.

Далаларга Амударё сувининг етиб келиши Оробўйи деҳқонларига куч-ғайрат бағишлади. Орадан бир неча йил ўтиб Нукус туманида яна пахта етиштиришга қўл урилди. Табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтган туман меҳнатқашлари пахта тайёрлаш шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 2200 тонна «ок олтин» сотилиб, йиллик топшириқ икки бараварга адо этилди.

Оробўйида олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қишлоқ ҳўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишган давлатимиз раҳбари жорий йилнинг сентябр ойида «Қорақалпоғистон» ишлаб чиқариш билан боғлиқ қарашли «Қорақалпоғистон» корхонаси меҳнат жамоасида ҳам бўлди.

Бу ерда бир неча йилдан

Истиқлол берган имкон

данли ўғитлар иқтисод қилинди. Одатда бир гектар майдон ҳисобига 361 литр ёқили сарфланса, бу ерда атиги 61 литрни ташкил қилади.

– Ерни улуглаш, янгиликка интилан деҳқон доғда қолмайди, – дейди биллаша раиси. – Фан ютуқлари, илғор агротехника талаби асосида иш юритилганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Мод-

дий манфаатдорлик, даромад кўпайди.

Илғор тажриба самарасидан қувонган фидойи жамоа жорий йилда 16 гектар майдонга «Бухоро-8» ва 4 гектар эрга «С-4727» нави чиғит эқди. Хар гектар майдонда 80,7 минг туп гўза парваришланди. Экинга бир марта ишлов берилиб, ўсимлик 12 марта суғорилди. Бунда оддий усулдагига қараганда 15 баравар кам сув сарфланди. Минерал ўғитларнинг тенг ямини тежалди, электр энергияси 3 баравар кам ишлатилди. Хар гектар майдондан 1,3 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси 213 фоиз бўлиши кутилмоқда. Одатда бир центнер пахта етиштириш баҳоси 18 минг 700 сўм белгиланган бўлса, биллашада бу кўрсаткич 9 минг сўмга тўғри келди. Далалардаги хосил йиғиштириб олинди.

и.ИСОМИДИНОВ

Зафаробод тумани ёшлари учун жорий йилнинг ноябр ойи катта шодийна ва тантана билан бошланди. Улар «ХЛМ-Сервис» масъулияти чекланган курилиш жамияти жамоасидан замонавий лойиҳа асосида бунёд этилиб, барча шарт-шароитлари бўлган маиший хизмат касб-хунар коллежини қабул қилиб олдилар.


Бу тумандаги иккинчи коллеж бўлиб, олти юз ўқувчига мўлжалланган. Унда 25 та синфхона, кўплаб итхисослаштирилган билим олиш хоналари, лаборатория ва устaxonалар мавжуд. Талабалар саккиз йўналишда - радиотехника, газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш, меңджерлик, молия-иқтисод, тикувчилик, ҳисобчилик, электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер

ИСТИҚБОЛЛИ КАСБЛАР МАСКАНИ

ҳамда автомобиллардан фойдаланиш мутахассисликлари бўйича касб ўрганадлар.

– Бугун менинг қувончим чексиз, – дейди тикувчилик йўналишида ўқитган Камола Набиева ҳам билан суҳбатда. – Орузимга етишдим. Атиги бир километр йўл босиб ўқишга қатнаяман.

– Сирдарё вилоятидан келиб, молия йўналишида касб ўрганмоқдам, – суҳбатга қўшилди Нодира Га-



Ижтимоий ҳимоя

Бугунги кунда туманда жами 12 минг 943 нафар пенсия олувчи киши бўлиб, улардан 8 минг 40 нафарига ёшга доир, 2 минг 696 нафарига ногиронлик, 1 минг 68 нафарига боқувчисини йўқотганлик, 986 нафарига ижтимоий нафақа тайинланган. Булардан ташқари, Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлар, афгон, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳамда ногиронлари ҳам бор. Бу масалада оталик ташкилотлар, хомийлар яқиндан ёрдам беришаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

ҲЕЧ КИМ БИРОН НАРСАГА ЗОРИҚМАСИН

Айни пайтда туман ҳудудидаги ўн қишлоқ фуқаро йиғинлари ва маҳалла кўмиталари қошида маҳалла кенгашлири фаолият кўрсатмоқда. Уларда бўлимимиз мутахассислари ҳафтада бир кун қабул уюштириб, фуқароларнинг пенсия ва нафақаларга оид саволларига жавоб берадилар. Ҳужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб ўй-ўй, коммунал хизматлар ҳақини тўлашга берилган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари жорий этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Ушбу Фармон ижроси юзасидан бўлимимиз ҳодимлари томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, бизнинг ҳисобдаги имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган 2 минг 385 нафар фуқарога компенсация тўловлари берилмоқда.

Шунингдек, ўзгалар парваршишга муҳтож 30 нафар ёлғиз яшовчи тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳодимларимиз томонидан муттасил етказилаётир. Бундан ташқари, оталик ташкилотлар, хомий ва

Ф.АЗИМЖОНОВ, Чиноз тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири

МАСЪУЛИЯТСИЗЛАРЧА ЯНГРАГАН БАЁНОТЛАР

(Боши 1-бетда)

Ҳа, яна бир гап. Сизнинг мамлакатингиздаги турган-битгани офат бўлган завод жабрини айнан нега ўзбек халқи тортиши керак? Бундай баландпарвоз «баёнот»лар беришдан олдин шу ҳақда ҳам бир ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди. Қолаверса, 1992 йил 14 июлда Рио-де-Жанейрода Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш борасида имзоланган халқаро Декларацияда мувофиқ бир мамлакатдаги фаолият орқали бошқа давлатлар ёки умумий назорат остидаги ҳудудлар экологиясини бузилишига йўл қўйиш тақиқланади.

Шундай экан, қўшиллар, катта фойда олишни кўзлаб турли компаниялар билан шартномалар имзолашдан олдин марҳамат қилиб, мазкур декларациядаги мажбуриятларингизни унутмасангиз яхши бўларди.

Ўзбекистонга келсаك, мамлакатда атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришга доир кенг қўламдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур масалада бир неча қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаёtgа татбиқ этилган. Бу каби саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз натижасини берди. Аник мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1991 йилдан сўнг мамлакатда атмосфераининг ифлосланишига қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб борилаяпти. Хусусан, 1999 йилга келиб табиатга зарар келтирувчи санает, энергетика ва бошқа манбалар микдори кескин қисқартирилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза

Юрт чиройини очаётганлар

лат берамиз, – дейди фирма раҳбари Баҳром Ғофуров. – Ана шу шартимизга рози бўлган одамгина бизда ишга олади. Уларнинг хар бирига юз минг сўм арофида маош тўлаймиз.

– Во, ажабо – деди у соқолини тутамлаб, – яқинда бу ерлар очик дала эди-я! Қандай қилиб бир зумда шундай катта иморат битиб қолди? Қўлинг гул бўлгур қайси усталар ишлади бу ерда?

Отахон елкасидаги тугунини олиб, бинонинг ичига кирди. Хар учала қаватни оралаб, бир неча хоналарга кириб кўрди. Ҳамма ишлар аъло даражада бажарилганини кўриб, қурувчиларга қайта-қайта дуолар айтиб чиқиб кетди.

Кўп тармоқли «Бунёдкор» фирмасининг иш фаолияти ана шундай. Фирма ташкил топган кунидан бошлаб улар қаерда, қандай ишга қўл уришмасин, хар доим қўпчиликнинг дуосини олишмоқда. Бунинг сабаби қурувчилар хар доим, ҳамма ишни астойдил, маромига етказиб, юқори сифат билан бажаришга одатланган. Бўжадаги 8-,17-мактаблари, 15-Меҳрибонлик ўйи, марказий касалхона, «Тез ёрдам» бўлими, Пискент туманидаги 10-мактаб, Охангарондаги иккита қишлоқ врачлик пунктлари, буларнинг ҳаммаси лойиҳада белгиланган мuddатлардан илгарироқ битирилиши билан бирга ҳамма ишлар юқори сифат билан бажарилди.

– Биз баҳарган ишимизга кафо-

«БУНЁДКОР» ҚУРИЛИШЛАРИДА

Уз фаолиятини 2000 йилда Бўка тумани марказида бошлаган «Бунёдкор» дастлабки йили 500 минг сўмлик иш бажарган бўлса, бу йилнинг шу вақтигача салкам 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга эришди. Буюртмачи ташкилотларга ҳам маъқул келмоқда. Пискент туманидаги Муротали қишлоғида бунёд этилаётган коллеж қурилиши ҳам йил охирида битказилиши кўзда тутилган бўлишига қарамай, ҳозир охири пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Бундай тезкор суръат, юқори сифатнинг сирини нимада?

– Биринчи навбатда – дейди иш юритувчи Собир Бобров, – ишлайдиган, ўз ишини пухта биладиган одамларни қабул қилганимиз. Уларнинг хар бири мўмай даромад қил-

нечта мустақил бўлган ташкилотлар иш юритади. Деворни бир ташкилот кўтариб, томини ёпса, сув ва канализация қувурларини бошқа махсус ташкилот ўрнатади. Электр ускуналарини учинчи ташкилот ўтказидади. Пардозлаш ишларига яна бошқа қурувчилар жалб этилади.

«Бунёдкор»нинг таркибидаги хар бир бригада ишни пойдевордан бошлаб, калитни эгасига топширишгача бўлган ҳамма жараёни ўзлари бажарадилар. Шу боис 750 ўринли ушбу коллеж лойиҳада белгиланган мuddатдан икки ой илгари фойдаланишга топширишга тайёр бўлди. Етти ойда бир ярим миллирдан сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Т.ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири

АЖОЙИБ СПОРТ ИНШОТИ

Болалар спортини ривожлантириш доирасида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ 2005 йилнинг манзилли дастурида қайд этилган режага кўра Тошкент шаҳрида ушбу замонавий болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Буллар Мирзо Улўбёк туманидаги Югнакий мажмуаси, Уч тепа туманида қад роллаган ва Шайхонтоҳур туманининг Белтепа мавзела-ридаги замонавий спорт иншоотларидир. Югнакий мажмуасининг тантанали очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, келажак авлодини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар муҳим эканлигини таъкидлашди. Болалар спортини ривожлантириш жағмағараси томонидан қатор ташкилотлар ташаббуси билан бунёд этилган ушбу спорт мажмуаларида болалар спортнинг ҳамма тури билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

«Туркисти-пресс»

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Нурота туманида ўқув-ишлаб чиқариш маркази иш бошланди. Бинонинг қурилиш ва таъмирлаш ишларига вилоят ҳокимлиги бош-қош бўлди. Уни турли ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашда Ўзбекистон Болалар жағмағараси ташаббус кўрсатди. Марказда тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик бўйича курслар ташкил этилди. Унинг ҳузурида макорон ишлаб чиқариш чеҳи, теғирмон, нонвойхона, сар-тарошхона, гўзаллик салони ишлаб турибди.

Марказ ишга тушиши муносабати билан эликдан зиёв хотин-қиз янги иш ўрнига эга бўлди. Аёлларга қўлайлик яратиш мақсадида бу ерда болалар боғчаси ҳам ташкил этилди.

ҲАМ ТАШҚИ, ҲАМ ИЧКИ БОЗОРГА

Қўкон шаҳридаги «Факел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида нефть ва газ санаети учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариломоқда.

– Маъжуд имкониятлардан, яратилган шартнолардан оқилона фойдаланишимиз, – дейди қўшма корхона ижроси директори Григорий Ятсено. – Айниқса, маҳсулотларимизни ички бозорга киритишга ҳиддий эътибор қаратганимиз. Корхонамизда бир йилда 10-12 минг тона турли хил винтлар тайёрланмоқда.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш қувватларини ошириш йўлида ҳам амалий ҳаракатлар бошланган. Яқинда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ИСО 9001 сифат сертификатига эга бўлди. Маҳсулотлар Россияга экспорт қилинмапти. Юртимиздаги нефть ва газ санаети учун турли хил эҳтиёт

МАХАЛЛА БОЛАЛАРИГА ҚўЛАЙЛИК

Навбахор туманида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ориф Фармонов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Ўзбекистон» маҳалласида фойдаланишга топширилган навбатдаги спорт мажмуаси шулар жумласидандир.

Қўркам ва шинам мажмуани «Наврўз» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди. Олти миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланган мажмуа теннис, баскетбол, волейбол, футбол майдонларини, тренажёрлар зали ва ювиниш хоналарини ўз ичига олган.

қисмлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Янги йилдан бошлаб корхона маҳсулотлари ички бозорда ҳам ўз ўрнини эгаллаяди.

ҚОНУНБУЗАРЛИК уни келтириб чиқарувчи сабаблар нима?

қоидаларини қўпол равишда бузишдан, нақд пул тушумланини яширишдан иборатдир. Қонунбузарларнинг ҳаммаси қилмишига яраша жазага тортилган.

Суд амалиёти жараёнида, яъни ишни кўриш чоғида айбдорни жазаолаш биринчи даражали мақсад қилиб қўйилмайди. Бу жараён унга бир умрга татигулик сабоқ бўлиб қолиши керак. Шунинг учун суд амалиётида иш ҳолатларни атрофлича

қоидаларини қўпол равишда бузишдан, нақд пул тушумланини яширишдан иборатдир. Қонунбузарларнинг ҳаммаси қилмишига яраша жазага тортилган.

– Тўғри. Қундалик турмушда бунга гувоҳ бўлаймиз. Лекин вақолатли мутасадди идораларнинг ҳисоботлари, жумладан судда қўрилаётган ишлар тадбиркорлар орасида қонунга хилоф иш тутатган кишилар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Суд амалиётидаги бунга оид маълумотлар ҳақида тўхталсангиз?

– Мамлакатимизда эркин фаолият учун барча шартнолар яратиб берилаётган бир даврда айрим шахсларнинг қонун доирасидан чиқиб ҳаракат қилишларини ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди. Бундайлар бошқаларни алдаб, фойда кўраймиз, деб ўғайлашлари мумкин. Аслида эса ўзлари панд об қолишди. Йилнинг ўтган 9 ойи давомида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 13 та жиноий, 41 та маъмурий иш қўрилди. Жиноий ишлар ҳусусиятига кўра қонунга хилоф равишда аллоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотишдан, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш

Мулоқот

ча на бирор тушунчага, на малакага эга эди. Олдиндан ишлаб чиқилган жиний режани амалга ошириш мақсадида 193 миллион 800 минг сўмлик 170 минг тона пластмасса идишлардаги «Золото Кубани» ўсимлик ёғини сотиб олиш ҳақида Тошкентдаги «Безак» қўшма корхонаси билан тузилган шартномани М. Юсупов имзолайди. Лекин юқорида кўрсатилгани ўрнига атиги 9 миллион сўм ўтказилиб, пулнинг

қолган қисмини 2 ҳафта ичиде ўтказиб беришга ишонтириб «Безак» қўшма корхонасида 57 минг 600 тона қадокланган маҳсулот келтирилди. Бу маҳсулот сотиб оқорилади. Бироқ «Безак» қўшма корхонасига пул тўланмайди. Жиний гуруҳ томонидан ўзлаштириб юборилди. Бундан ташқари жиний гуруҳ нақд пул тушумланини яширади, тегишли солиқ ва унга тенглаштирилган мажбурий тўловларни амалга оширмайди. «Темир-йўл-Контейнер» МЧЖнинг мазкур фаолияти сохта ҳужжатлар, имзоларни сохта-лаштириш воситасида амалга оширилганини ҳам таъкидламоқчимиз. Шу даврда қатло солик идораларига ҳисоботлар ҳам топширилмаган. Оқибатда улар зарарни тўлаш билан бирга жиний жавабгарликка ҳам тортилди.

– Бу борадаги ишлар муваффақияти энг аввало хар бир фуқаронинг тарбиясига, ҳуқуқий билимига, давлат ва халқ манфаатларини кўзлашига боғлиқ. Тадбиркорлар гирмон йўл билан ҳеч нарсасга эришиб бўлмаслигини тушуниб олишлари керак. Шунинг учун жиний ишлар бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьялари хар бир иш бўйича айбланаётган фуқароларга қонунга риоя қилишини афзалликларини тушуништиришди. Бундан ташқари маҳаллаларда, тадбиркорлар даврасида ҳуқуқий маъзулларда суҳбатлар уюштириляпти. Оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқилар қилинмоқда. Халқимизда «той қоқилмай от бўлмас» деган нақл бор. Аввало хато қилмаган, қонунни бузмаган

– Бу борадаги ишлар муваффақияти энг аввало хар бир фуқаронинг тарбиясига, ҳуқуқий билимига, давлат ва халқ манфаатларини кўзлашига боғлиқ. Тадбиркорлар гирмон йўл билан ҳеч нарсасга эришиб бўлмаслигини тушуниб олишлари керак. Шунинг учун жиний ишлар бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьялари хар бир иш бўйича айбланаётган фуқароларга қонунга риоя қилишини афзалликларини тушуништиришди. Бундан ташқари маҳаллаларда, тадбиркорлар даврасида ҳуқуқий маъзулларда суҳбатлар уюштириляпти. Оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқилар қилинмоқда. Халқимизда «той қоқилмай от бўлмас» деган нақл бор. Аввало хато қилмаган, қонунни бузмаган

– Аввало хар бир кишининг қандай қадам босиши унинг маънавиятига, ҳуқуқий билимига боғлиқ. Баднафислик хар қандай ҳолатда ҳам панд беради. Сохта тадбир-

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

САВОЛ: Меҳнат қончилигида 18 ёшга тўлмаган ёшларни ишлашлари учун қандай имтиёзлар белгиланган?

С.ЖУРАЕВА,
Чиноз тумани

ЖАВОБ: Ёш саккиз ёшга тўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш – ходимларнинг умумий белгиланган ишга қабул қилиш тартибидан фарқ қилувчи бир қанча хусусиятларга эгадир. Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёш беш ёшга тўлган шахслар отаси ёки онасининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг (васий, ҳомийнинг) ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ёшларни меҳнат тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар техника билим юрталари ва ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ўн тўрт ёшдан ўн беш ёшга бўлган ўқувчилар, агар санаб ўтилган ўқув юрталарида ўқимасалар, ишга қабул қилиниши мумкин эмас.

Янги Меҳнат кодекси ўн олти ёшга тўлмаган ўқувчиларни ишга қабул қилишда ота-онанинг ёзма шаклдаги розилиги бўлишини назарда тутди. Бу эса уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг муҳим қафолати ҳисобланади. Ўн олти ёшга тўлмаган ўқувчи қизини ишга қабул қилишда ота-онасининг розилиги дастлабки тусда бўлиши керак, яъни бундай розилик ўқувчи ишга киришидан олдин олиниши даркор. Бундай розилик пухта расмийлаштирилиши ҳам муҳимдир. Унинг мазмунидан ота-она ўқувчиларини ушбу ишга қабул қилинишига эътироз билдирмаслиги аён бўлиши лозим. Ёзма розилик тегишли ариза тарзида ёки ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқ лойиҳасида ота-онанинг имзоси билан тасдиқланган, ёзув сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Бирок, бизнинг фикримизча, бундай розилик энг яхшиси ўн олти ёшга тўлмаган ўқувчи билан тузилган меҳнат шартномаси лой-

иҳасида бевосита ота-онанинг тегишли қайди билан олинганлиги маъқул. Розилик бундай кўринишда олиш ота-она ўқувчиларнинг умуман ишлашига розилик берганлигидан эмас, балки мўйман меҳнат шароитидаги аниқ мутахассислик ва мала-

ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕЛГИЛАНГАН

Саволингизга Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманларо судининг раиси Ўқтам Жабборов жавоб беради

ка бўйича ишлашига розилик берганлигидан далолат беради. Бу нафақат ходимнинг манфаатлари, балки иш берувчининг манфаатларига ҳам жавоб беради, чунки кўп жиҳатдан кейинчалик меҳнат низолари келиб чиқилишининг олдини олади. Ўн олти ёшга тўлмаган ўқувчи маҳаллий меҳнат органининг ёки бошқа органларнинг йўлланмалари билан ишга жойлаштирилган ҳолларда ҳам ота-онанинг розилиги талаб этилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ишга қилган ҳолда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан

қилишининг кўпгина хусусиятлари улар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида давлатнинг алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқдир. Масалан, умумий тартибдан фарқ қилган ҳолда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан

Биздан сўраган эдингиз



меҳнат шартномаси тузишнинг зарур шарты, у қандай ишга қабул қилинаётганидан қатъий назар, унинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳисобланади. Белгиланган кўрикдан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишлари яқин кўриқдан ўтказилмайди. Ушбу модданнинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг розилиги билан йўл қўйилади.

дан ўтказиб турилиши керак. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга қатнашган ҳолда ишга қабул қилинган бўлганда, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилан-

ган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказилиши мумкин бўлган меҳнат шартлари ту- тилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиқ кетиши мумкин эмас. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кўрсатилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга қараб ҳақ тўланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камидан камидан кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қўлай бўлган вақтда фойдаланиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шартномасини иш берувчининг таъбибути билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаган ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажарётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қилмайдиган ёки уларга бошқа тарзда зарар етказмайдиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлиқдирлар.

Ушбу ҳолат Меҳнат кодексининг 239-моддаси, учинчи қисми, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг дастлабки (меҳнат шартномаси тузишдаги) ва даврий (иш жараёнида) тиббий кўриклари меҳнат муносабатларида воғна етмаганларнинг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим қафолат ҳисобланади. Ана шу мақсадларда Меҳнат кодексининг 241-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шартномасини қўлга олиш ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Бундай ишлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиб белгилади. Ўқувчиларни ишга қабул қилишда уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш борасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа қарорларнинг ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўқувчи қабул қилинаётган ишдан қатъий назар, ўн саккиз ёшга тўлганига қадар у билан тўлиқ муддат шартнома тузилиши мумкин эмаслигини ёзда тутиш зарур. Маҳаллий меҳнат органининг томонидан ишга жойлаштириш тартибида белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи бундай иш йўқлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Спорт оламида

Сузиш БИРИНЧИ МАРТА БРАЗИЛИЯДА

Бразилия нафақат футболчилари билан, шунингдек, волейболчи ва баскетболчилари билан фахрланса арзийди. Энди уларнинг сафига сув спорти вакиллари ҳам қўшилишига курашади. Сув спорти бўйича Халқаро Федерация ўқувчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатини 11 мартта Бразилияда ўтказишга қарор қилди. У 2006 йилнинг 19-27 август кунлари бўлиб ўтади.

Чемпионатда 1989 йилда туғилганлардан катта бўлмаган ёшдагилар иштирок этишига руҳсат берилади. Ушбу йirik мусобақа бўлажак спорт юлдузларини аниқлаб олишда ўзига хос танлов вазифасини ҳам ўтайди.

Бокс КЛИЧКО ХАЙРЛАШМОҚДА



Куни кеча Бутунжаҳон бокс кенгаши расмий баёнот билан чиқди. Унда айтадики, украинлик машҳур ринг қироли, WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Виталий Кличко спорт билан хайрлашади. Баёнотда В.Кличко бокс ривожини ун жуда катта улуш қўшганлиги эътироф этилади. Унинг бокс билан хайрлашуви эса спортчининг катта гуруҳ соҳиби эканлигини ва ўз унвонига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлганлигини билдирди, дейилади.

Лекин В.Кличконинг қарори Дон Кинг ва Хасим Раҳмон томонидан норозилик билан қутиб олинди. Улар Кличконинг кўрқоқликда айлаб, украинлик боксчининг жароҳати тўғрисида хайрлашишга мажбур бўлганлигини наватбадаги ўйин деб баҳолаб, бунинг учун Кличконинг ҳаёт судга беришга тайёр эканликларини билдирди.

Айни вақтда вақтинча жаҳон чемпиони дея эътироф этилган Х.Раҳмон Кличконинг кетиши муносабати билан амалдаги чемпион макомига эга бўладиган бўлди.

Оғир атлетика БИР ЙЎЛА УЧТА ЖАҲОН РЕКОРДИ

Хитойлик Ван Минчжан жаҳон чемпионати баҳсларида ўта муваффақиятли қатнашди. У аёллар ўртасида 48 килограммга бўлган вазнда учта жаҳон рекордини ўрнатиб, олтин медал соҳибига айланди. Ван силтаб кўтаришда 118 килограммни забт этиб, икки машқ бўйича 213 килограмм натижасига эришти.

Кумуш медали тайландлик Пенсирри Саелавага насиб этди. Учинчи ўринга ҳам унинг ҳамюрти – Арес Вират-таворн кўтаришди.

Футбол МУРАББИЙ АЛМАШДИ

Одатда галаба қозониб, жамоа номи тилга олиниб, шон-шарафга кўмиб ташланади. Мағлубият учун эса мураббийнинг бошида ёнгоқ қақилади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Тель-Авивнинг «Хапоэль» клуби бош мураббийи Дрор Каштан келгуси ҳафтадан эътиборан Исроил терма жамоасини бошқаради. У Евро-2004 ва 2006 йилда ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги муваффақиятсизликларнинг бош айбодорига айланган Авраам Грандан жамоани қабул қилиб олади.

З.РИХСИЕВ тайёрлади

Спорт оламида

АДАШГАННИ ҚЎЛЛАШ ФАРЗ

Кўшилар, қариндош-уруғлар, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат ришталари мавжуд бўлса, бутун жамият ҳам покланиб, орадан шафқатсизлик, худбинлик ва такаббурлик йўқолиб, муҳит соғломлашади.

Бу борада Шовот тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқ. Айниқса, профилактика инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда тарбиявий тушунтириш ишларининг яхши тақдир қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Феолият кўрсатаётган ходимларнинг барчаси ўз вазифасини яхши англаб етган, – дейди ИИБ ХООБ катта инспектори, капитан О.Сатторов. – Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳудудида аниқланган 19 та жиноятнинг 6 таси профилактика инспекторлари томонидан очилганлигини ўзи фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, 2005 йилнинг 5 январ куни фуқаролар Карим Саидов ва Комил Саидовлар М.Хоразмий кўчасида тўхтаб турган ВАЗ-2101 ва М-412 маркали автомобиллар бажарини очиб 2 донга гилдирак ва 2 донга кўтаргични ўғирлашган. Шунингдек, гумон қилинган шахснинг уйи тинтув қилинганда 0,27 грамм героин моддаси топилди. Ушбу жиноятни очишда ХООБ МТППИ катта лейтенант Ш.Ражабов фол иштирок этди. 26 январ куни Меҳнатобод деҳқон-фермер уюшмаси ҳудудида жойлашган «Одил-ота» фермер ҳужалиги оғирҳонасидан шу ҳудудда яшовчи 4-сон умумтаълим мактаби ўқувчилари Иzzат

Хударганов ҳамда Расул Якубовлар ўзаро тил бириктириб 3 донга электр динамини ўғирлашади. Уларнинг ушбу қонунчи ҳаракатлари ҳам тез орада бўлимимиз ходими кичик лейтенант З.Эрбоев томонидан фох этилди.

Шунингдек, маъмурий амалиёт бўйича жами 581 та баённома тузилди. Шундан 12 тасига нисбатан ЎзРМЖТКнинг 183-моддаси тартибида маъмурий чора кўрилиб, 4 тасига Шовот туман жиноят суди томонидан маъмурий қамоқ жазоси берилди. Жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган 144 нафар фуқаронинг паспортлари назоратдан ўтказилганда 108 нафари амалдаги қондан бузганлиги аниқланди. Бундан ташқари, бошқа хилдаги 157 нафар шахсга нисбатан ҳам маъмурий баённомалар тузилди.

Сир эмаски, биз танлаган йўл жаҳондаги ривожланиш йўлини танлаган миллий ва умуминсоний кадрятларга содиқ эзгу ниyatли кишилар манфаатиға мос келади. Шубҳасиз, ёвуз ниyatли, ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай қабих ниyatларни амалга оширишни кўзловчи кимсалар манфаатиға мос келмайди. Шу боис халқимиз орасидаги баъзи адашган кимсалар, яъни ҳар хил оқимларга ўралашиб қолган айрим инсонлар аниқланиб, улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётганда, Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб туман

ички ишлар бошқармасида ҳисобда турган шахслар ўзларини ўнглаб олишлари учун зарурий ёрдам берилиб, ишга жойлаштирилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Шундайлардан бири 1977 йилда туғилган Отабек Отажонов ҳозирда К.Раҳимов номи ширкат ҳужалигида меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 1980 йилда туғилган Давлатёр Қиличев 2003 йилдаги Амнистияга асосан озодликка чиққан бўлиб, айни пайтда у ҳам тумандаги «Сириус» кичик корхонасида меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда. 2004 йилдаги Амнистия тўғрисидаги Фармонга кўра жазодан озод этилган Жамшид Ражабов ҳамда Қурат Қозактолов ҳам ўзларига кўрсатилган меҳрибонликдан тўри хулоса чиқариб, ҳаётда яхши инсонлар сафига қўшилишни ниyat қилган ҳолда фермер ҳужалиқларида ишлашмоқда.

Еш авлоднинг ҳар хил шубҳали кимсалар ортидан эргашиб кетишлари олдини олиш учун ўқув муассасалари ҳамда маҳаллаларда ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Адашганин йўлга солиш, уларнинг қайта жиноятга қўл уришларига йўл қўймайлик мақсадида профилактика инспекторлари содир бўлиши мумкин бўлган жиноятлар олдини олишда сергаклик намуналарини кўрсатишмоқда. Шу боис ҳозирда туманда жиноятчилик нисбатан анча камайганлигини кузатиш мумкин.

Р.САЙДАХМЕДОВА,
«Ишонч» муҳбири



Тиббиёт тараққиёти даврида яшавчимиз. Ҳозирги замонавий ускуналар ва моҳир мутахассислар кўмагида ҳар қандай дарднинг олдиндан аниқлаш, вақтида даволаш мумкин.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган эл саломатлиги йўлидаги ғамхўрликлар кўпчилики мамнун этмоқда. Ташкент шаҳар Перинатал маркази қошидаги 1-туғруқхонасида туғиш олди муолажалари ва чақалоқ дунёга келгандан сўнг даволаш ишлари олиб борилади. Бу ерда кўплаб хасталикка чалинган гўдақлар шифо топмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари ва етук мутахассислар ҳар бир она ва бола дардиға малҳам бўлмоқда.

Суратларда: олий тоифали врач гинеколог-эндикрениолог Ландиш Исанбаева ёш онаға маслаҳат бермоқда; Лаборант Мадина Холмирузева

З.БАКИРОВ
олган суратлар

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармаси ҳузурида иш бошлаган «Пром-Электро» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси комбинат тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг турли қуланишдаги трансформатор, двигател, генератор ва бошқа электр жиҳозларини қисқа муддатда таъмирлаб, мижозларға етказиб бермоқда.

меҳнат қилмоқда. Эҳтиёт қисмлар Россиянинг «Псков кабел» акционерлик жамиятидан олиб келинади. Бу ерда ҳар ойда 25-30 млн. сўмлик бюрутма бажариляпти. Айни пайтда Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида қўшма корхонанинг филиаллари ҳам ишга тушди. Аҳолининг музлатгич, кондиционер ва бошқа уй жиҳозлари ҳам шу ерда қайта таъмирланади. Бу эса меҳнат жамоасига қўшимча даромад келтиряпти.

Қўшма корхонада тўртта цех бўлиб, уларда 60 нафарға яқин малакали уста

(ЎЗА)

Қилмиш-қидирмиш ҲАМТОВОҚЛАР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

кўзбўямачилик қилиб, давлат мулкани ўмарганлар қисмати

Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, Ташкент Худойбердиев билан Душан Аҳмедовлар ўзаро тил бириктириб, давлатнинг жуда катта миқдордаги маблағини ўзлаштиришди.

Т. Худойбердиев 2003 йилнинг 15 августидан Арнасой туман «Сувоқова» корхонасида бош ҳисобчи лавозимида ишлайди. У ҳамтового, корхона раҳбари Д. Аҳмедов билан ишчи-хизматчиларнинг номиға пул ёзиб, гўм қилиб юборди. Хусусан, 2004 йилнинг январ, феврал ойлари учун корхона ишчиларига иш ҳақлари бериш тўғрисидаги 14,16,35,38,41-сонли тўлов варақаларини расмийлаштириб, ҳужжатларни сохталаштириди. 31 нафар ишчи-хизматчиларнинг номиға турли миқдордаги ойлик маош ёзиб, уларнинг ўрниға қалбаки имзо қўйиб, давлат хазинасидан нақд 629 миғ 415 сўм миқдордаги пул-

ни ўзлаштирди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, бундай ҳол кейин ҳам бир неча марта такрорланиб бораверди.

Б.НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Объявление
Решением хозяйственного суда Ташкентской области по делу № 11-0315/940 от 27.09.2005г. АО «Охангаранлипласт» признано банкротом и открыто ликвидационное производство, а в соответствии с определением хозяйственного суда по делу 11-0305/940 от 24.10.2005г. назначен ликвидационный управляющий. Кредиторам, организациям и физическим лицам, имеющим требования к данному предприятию обращаться по адресу:
Ташкентская область, г.Ахангаран, Промзона, АО «Охангаранлипласт». Телефоны для справок: 186-64-15, 54-39-86. (8-264) 5-29-37, 5-19-33.
Ликвидационный управляющий

Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор вазифаларидандир. Бу масала ҳозирги кун билан ҳам, келажак тараққиёти билан ҳам боғлиқ. Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш орқали фуқаролик жамиятини қуриш мақсадининг қўйилиши эркинлаштиришга, жамиятнинг бир босқичдан инсонлар манфаатига кўпроқ мос келувчи босқа бир босқичга ўтишида боғловчи кўприк сифатида қаралиши Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини шакллантиришида намоён бўлаётган ҳусусиятлардан биридир.

Ислохотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш ҳаёtimизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтириш назарда тутилган. Бу барча ислохотларимизнинг асосий моҳияти эканлиги қувонарли ҳолдир.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда жамиятнинг модернизация ва ислохот қилиш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тамойилларидан бири ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифалари бевосита халққа топширилади, яъни нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари янада ривожлантирилиб, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини босқичма-босқич уларга ўтказиб борилади. Фуқаролик жамия-

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ХАЛҚ

амалга оширади. Мудофаа, давлат ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, ташқи сийбас, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Босқа масалалар билан шуғулланиш марказдан маҳаллий давлат органларига, нодавлат жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига топширилади ва давлатимизнинг буюк келажиги жамоатчилик, фуқаролар бунёд этади. Ана шундай шартларда, давлат ва бошқарув органлари фаолиятлари тубдан ўзгаради. Президентимиз айтганидек, бошқарув вазифаларининг

Ислохотларимизнинг асосий моҳияти

асосий қисмини марказдан шайхат-туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради.

Қайси мамлакатда нодавлат ва жамоат ташкилотлари ривожланса, тўғри фао-

лишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган: кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари, деган тамойилни ўзида ифода этади.

Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришида ҳамда ташкил этишда ҳамда иштирок этиш учун имконият яратди. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Мамлакатни модернизация ва ислохот этишда демократик ҳуқуқий, одил фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлар экан, ўзининг миллий ҳусусиятларини, тарихий анъаналарини, миллий қадриятларини, ўзига хос шарқона демократик тамойилларни ҳамда жаҳон халқлари эътироф этган демократик тамойиллар билан умумлаштирилган ҳолда тараққиёти этиб боради.

Мамлакатимизда бунинг учун ҳамма шароитлар етарли. Олий мақсадларга етиш учун эса жамиятимизнинг барча аъзолари фаоллик кўрсатиши, ўзларига нисбатан талабчанлиги ошириб бориши талаб этилади.

**Н. БЕРДАЛИЕВ,
С. НУРМАТОВА**

Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яққабон Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Қашқадарь вилоятига қилган сафари чоғида бу юрда истеъдодли айтишчиларни қўллаш, ҳусусан Қаршидан Насафий таҳсилуни билан шўҳрат қозongan юзлаб илмий, маърифатли зотлар етишиб чиқганини таъкидлаб, улуг аждодларимизнинг шаҳарсини, илмий-адабий фаолиятини, маънавиятимиз ҳазинасига қўшган хис-сасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб-таъшиқ қилиш, қадимжоларини обод этиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва уларни келгуси авлодларга етказишдек ҳайри ишларни амалга ошириш вазифасини қўйган эдилар.

Худуди 7,5 минг гектар майдонни эгаллаган Қарши шаҳри Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган. Мустақиллик йилларида шаҳар чирой очиб, истиқболга юз тутди. Бугунги кунда 62 та маҳалла, 40 та уй-жой ширкатлари бўлиб, 217,9 минг киши истиқомат қилади.

Тўйга тўйна билан бориш элимизга хос одат. Шу кунларда воҳа маркази улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Ободончилик йиллари қўлама кенгайиб бора-япти. 34 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилляпти. 10 та тарихий обида таъмирланаяпти. Мустақиллик майдони худудидоғи бино ва иншоотлар реконструкция қилиняпти.

Шаҳар марказидаги 65 гектар майдонни эгаллаган кўркам боғ ўзгача чирой каф этган. Истироҳат масканида бир-бирига туташ учта кўл барпо этилди. Арик ва каналлар кайта таъмирланиб, сув чархалақлари ўрнатилди. Кўллар атрофидоғи йўл ва йўлакчаларга бетон ётқизибли, кўкalamзорлаштирилди, яшил ландшафт яратилди. Кўлларнинг ўртасида 18-20 метр баландликка отилувчи 5 та йирик фаввора ва 20 га яқин ёриткичлар ўрнатилди. 2,7 километр масофага ер ости қувурлари ётқизибли, 500 га яқин сув пурақачилари ўрнатилди.

Истироҳат боғида 40 гектар яшил майдон маъжуд. Қарши ва Қасби туманлари хўжаликлари, қорхона ва ташкилотларнинг боғbonлари 10 минг тутдан ортиқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Нуронийлар чойхонаси қурилиши ниҳоясига етказилди. 3 минг ўринли амфитеатри "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган буюк" Абдурашод ГўрОси қурилиши бошқармаси қувурчилари бунёд этмоқдалар.

Боғ рамзий маънода икки қисмдан - фаол ва сокин худуддан иборат. Бир-бирига туташган 3 та кўл, лунапарк, ранг-баранг туста ва мусиқа садолари остида ишлайдиган фавворалар, қариялар чойхонаси, савдо шаҳобчалари, дам олиш масканлари боғ чиройига чирой қўшади.

Боғлар истироҳат боғи шаҳардаги замонавий, кўркам ва хушманзара гўшалардан бири. Бу ерда 180 миллион сўмлик аттракционлар келтириб ўрнатилди. Германиянинг "Е SENYA" фирмаси томонидан ўрнатилган соғломлаштириш қурилмалари ишлаб турибди. Учиш, айланиш, сакраш каби машқларни бажаришга мўлжалланган ускуналар ҳар жиҳатдан ҳафсиз, замонавий ва экологик соғлиғи билан ажралиб туради, болаларнинг жисмоний чинқишларига ёрдам беради. Келгусида боғ-

Тараддуд

ахшиланади. Шаҳар худудидан ўтувчи Қашқадарь қирғоқлари ободонлаштирилди. Юбилей иншоотларида бажариладиган қўшимча қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш йомушлари учун давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида юбилей тадбирларини ўтказиш дастури ишлаб чиқилган. Амир Темур бобомиз камол топган Шаҳрисабз шаҳрида бунёдкорлик фаолияти янада авж олади. Темурийлар обидаси Оқсаройдаги маданий қатламлари ўрганиш ва сарой қолдиқларини консервациялаш муҳим вазифа бўлиб турибди. Дастлабки археологик қузатувлардан аниқландики, Оқсарой иморатларининг худуди 8 гектарни ташкил этиб, яна тахминан 8 гектарлик боғ маъжуд бўлган. Муҳташам

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАСИ

водск" модели, катта "Супермаркет", ҳар бир махсулот учун алоҳида савдо расула ва уларни савлаш учун мўлжалланган совутиш мосламалари, ветеринария лабораторияси, тарозихона, юкларни ташин учун автокранлар ва ҳатто кўклатларни ювиш учун махсус ванналар қурилади. Ҳар бири 300 квадрат метр ҳажми 88 та дўкон қурилиб, аукцион савдолари орқали тадбиркорларга сотилади.

Жайхун кўчаси реконструкция қилиниб, иккита кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача олимпиади захиралари ва банк коллежлари, 15 минг ўринли стадион, ёпиқ манеж ва сузиш ҳавзаси, қатор кичик майдончаларни ўз ичига олган спорт мажмуаси каби иморатлар ҳам фойдаланишга топширилди.

"2004 - 2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умумийлиги дастури" асосида ўндан ортиқ илм масканларида мукамал таъмирлаш йомушлари олиб бориляпти. Биноси анча эскириб қолган 3-ўрта мактаб 580 миллион сўм маблағ сарфланиб, мукамал таъмирдан чиқарилди. 23-ўрта мактабда қарийб 100 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, янги қиёфа кашф этди.

Шаҳардаги Кўкғумбаз ва Одина жомеъ масжидлари, Сардоба мажмуаси реконструкция қилиняпти. Янги қуриляётган "Маҳалла маркази" биноси ёнида ёшлар зали, қурилиши учун қўшимча маблағ ажратилди.

Ўзбекистон кўчасида яна иккита 48 хонадонли кўп қаватли турак-жой қад кўтарди. Темурийўнлар шаҳарчасидаги 16 та кўп қаватли уй тўлиқ таъмирланди. Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур кўчалари реконструкция қилиняпти. 13 та маҳалла тоза ичимлик суви, 12 та маҳалла табиий газ билан таъминланди. 11 та маҳаллада электр энергияси таъминоти

**И. ҲИҚМАТОВ,
"Ишонч" муҳбири**

ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР ЛАБОРАТОРИЯДА

"Ўзбекенгилсаноят" Давлат акционерлик компаниясига қарашли ўттизга яқин кўшма қорхоналар чет эл замонавий техникалари билан жиҳозланган. Шулардан йигирмага яқин Германиянинг тўқимачилик санаяти фирмаси дастгоҳлари хисобланади.

Ана шу немис қорхонаси яна бир ҳиммат кўрсатди. Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтига бегараз ёрдам сифатида бир неча тўқимачилик дастгоҳи тақдим этилди.

Умумий қиймати бир ярим миллион еврога тенг бўлган бу техникалар олий ўқув юртида илмий ишларни амалга оширишда, тўқимачилик махсулотлари технологияси ва жиҳозлари йўналишидаги магистр ва бакалаврларнинг ўқув жараёнларини ташкил этишда, педагогик кадрлар малакасини оширишда кўл келади.

Институтнинг ишлаб чиқариш лабораториясига ўрнатилган бу дастгоҳлардан табиий ва кимёвий толарани йиғириш кафедраси томонидан амалий машғулотларда фойдаланилади.

А. КАРИМОВ

АФСОНАВИЙ ҚУШ ҲАҚИДА БАЛЕТ

Истеъдодли бастакор Анвар Эргашев ўзининг жозибадор тарақлари, симфоник асарлари билан муҳлисига яхши танилиб қолди. Унинг саҳна асарлари учун ёзган мусиқалари ҳам оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Бастакор балет асарини ёзишда ҳам бадиий маҳоратини кўрсатди. "Хумо" деб номланган бу янги асар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри томонидан саҳнага олиб чиқилди. Балет труппаси янги постановка устида жиддий иш олиб борди. Уни Грузия халқ артисти, профессор Георгий Александров саҳналаштирди. Эзгуликка ундовчи афсонавий қуш ҳақидаги бу спектаклда ролларни истеъдодли актёрлар ижро этмоқдалар.

Амир Темур тенгсиз лашкарбоши, моҳир муҳориб, уруш санъатини аъло даражада эгаллаган буюк саркарда эди. Унга ўз даврининг ва ўзиндан кейинги Шарқ ҳамда Ғарб саркардалари катта баҳо берганлар. Ундан сабоқ олишга интиланлар. Ҳатто, машҳур Наполеон ҳам Темурнинг ҳарбий санъатини ўрганади ва эътироф этади.

Темур айна вақтда беназир ислохотчи ҳам эди. У хусусан пойтахт Самарқандда катта аҳамият беради. Уни дунёвий империяга мос келадиган обод марказга айлантириш учун ҳар жиҳатдан ҳаракат қилади. У кўпдан-кўп ажойиб иншоотларни, минораларни, биноларни қурдиради.

Навоий ўзининг «Мажолисун нафис» таъкирасида Темур тўғрисида сўзлаб, бу улкан саркарданнинг баъзи харақтерли жиҳатларини кўрсатиб ўтади:

«Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдулар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва макведа ўқубтурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтканча бор. Табар-рук ҳайсиятиданким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда («мажлис»да) бўлғай, ва ул латтифдин бири била ихтисор қилилур: Мундоқ маҳал қилурларким, чун Табризда Мироншоҳ Мирзо чоғирга кўп иштиғол кўргузди. Димоғи ва миқжози эътилод тарикасининг имхи-роб топиб, андин номулоий амр кўп суръат тутта бошлади. Самарқанда ул ҳазрат арзига бу наъв етқурдиларким, уч мадим борким, муфрит хаддан ташқари чоғир ичмакка боис алардулар. Хукм бўлдиким, жавочини (адъютант) миод била чоғиб бориб уччаласининг бошини келтурсин! Алардин бири Хожа Абулқодир эрди. Бири Мавлоно Муҳаммад Хокий эрди, бири эса устод Кутбиддин Нобий эрди. Тавочини бориб иккисин тугиб келтурди, аммо Хожа Абулқодир кочиб, қаландар бўлиб, ўзин девоналикқа солиб мулкдин мулкка мўтавори юрур эрди,

то улким, ул ҳазрат яна Ироқ юруши қилди. Ул момоликда Хоҳанинг ул ҳоли баъзиларга маълум бўлиб, юқорига арз қилдилар. Хукм бўлдиким, тугиб келтурсулар. Ул ҳазрат тахтида эрди-ларким, Хожаи фақирини девоналикқа қўймай сураб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сийбасат хукми

НАВОИЙ ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ

булғай, чун Хоҳанинг камолатидин бири Курьон хифзи ва қироят илми эрди, филхонд бийик ул била Курьон ўқумок бунёд қилдиким, ул ҳазратнинг ғазаби лўфтқа мубаддал бўлуб фазл ва камол ахли сари боқиб, бу мисраъни ба вақт ўқудимки:

«Аббал зи бим чанг бар муҳафзад» (Яъни: қаландар кўрқувдан Курьонга чанг солиди).

Андин сўнгра Хожага илтифот ва тарбиятлар қилиб

бўлмаса ҳам кўп адабий давраларда қизикарли шеър ўқиб, тингловчиларни лол этган, катта адабиёт мулқини эканлигини таъкидлайди.

Тўртинчидан, улуг санъаткорлар каби жойи келса, жуда ажойиб афоризмга тўла хикматли гапларни йўллаган сузумол, зукко, нотик-хукмдор эканлигини кўрсатади. Чиндан ҳам Темур ҳукмронлиги даврида фан ва санъатнинг турли жиҳатлари беҳад ривож топди. Шунинг учун ҳам академик Бартольд XIV аср Самарқандда жуда маъқул инсоний фармонлар чиқарганини эътироф этади. Навоий худди шу фикрни қувватлаганда Темур ҳақида «Мухожаматул лугатайи»да шундай мактовли сузларни келтиради:

«То мулк араб ва сарт сарлотининд турк хонларига интиқол топти. Халокухон замонидин султони соҳибқирон Темур-Кўрагон замонидин фарзанди халифа Шоҳрух султони замонининг охиригача турк тили бирла шуаро пайда бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва афқодин ҳам хуш таъб салотини зуҳурга

**М. НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоиди (Давоми бор)**

Сўнги йилларда спортнинг эшак эшиш тури республикамиз ёшлари ўртасида кенг оммаланиб бормоқда. Усмир ёшлар Термиз туманида жойлашган Уч-қизил кўлида ташкил этилган болалар учун эшак эшиш сув спорти клубининг фаол аъзолари. Республикада Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан сўнғ ушбу клуб учинчи бўлиб Сурхондарь вилоятида 2004 йилда ташкил этилди.



Айни пайтда бу ерда 22 нафар ўспиринлар 100 ва 500 метрга сузиш бўйича 2006 йили Чирчик шаҳрида бўлиб ўтadиган мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқдалар. Не ажаб, ушбу ёшлар орасидан бўлгуси олимпиада чемпионлари етишиб чиқса.

Суратда: мураббий Салават Гиниятуллин шогирдлари билан.

И. ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ЮКОРИ БАҲОЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯ

Россия Ташқи Ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатия академиясида навабдаги докторлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ўзбекистонлик тарихчи олим Рустам Мирзаев томонидан тақдим этилган бу йирик илмий иш "Хозирги халқро муносабатларда Буюк Ипак йўли транспорт коммуникацияларининг тугган ўрни ва аҳамияти" деган мавзуга бағишланди. Унда қадимий қарвон йўлини боғловчи транспорт воситалари истиқболлари кенг ёритилди. Диссертант Р.Мирзаев мана йигирма йилдики, халқро туризм соҳаси билан шуғулланиб, қатор йирик тадқиқотларни амалга оширди. Ушбу долзарб мавзунинг муаммоларини ёритди.

Ушбу докторлик диссертация ҳам ана шундай жиддий изланишлар махсули янглиг юзага келди.

ТАВСИЯЛАРГА БОЎ ҚўЛЛАНМА

Иқтисодиёт йўналишида тахсил кўраётган талабаларни ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этиш масаласига бағишлан семинар-тренинглр ўтказишга киришилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети педагогика ва психология кафедраси саъй-ҳаракати билан амалга ошириляётган бундай таълимий тадбир глобал технологиялаштириш жараёнида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

"Иқтисодиёт ўқув юртиларида маъруза ва семинарлар жараёнида ўқитиш технологиялари" деб номланган ўқув кўлланма чоп этилиши ҳам айна мудоао бўлди.

Кафедра олимлари томонидан босмага тайёрланган бу адабиётда янги педагогик технологиялар атрофича таҳлил этилиб, фойдалани тавсиялар берилган.

АЛЛОМА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжатли фильмлар студияси ўзининг навабдаги махсулотини экранларга чиқарди. "Наршайи" деб номланган бу илмий-оммабоп фильм ўлкаимиз тарихини севиб ўрганаётган ёшлар учун яхши совға бўлди.

Янги экран асари ўрта аср шарқининг таниқли олими ал Ҳаттоб Ан-Наршайи ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлаб суратта олинди.

Бу комусий билим эгаси томонидан ёзилган "Бухоро тарихи" асари нодир кўлэзма сифатида шўҳрат топди. "Бухоро тарихи" ўз вақтида Париж, Тейрон, Кембриж ва Тошкент шаҳарларида турли тилларда чоп этилди. Янги фильмда маъзур тарихий китобнинг ана шу нашрлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилди.

НЕМИС ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар бўйича амалга ошириляётган тадқиқотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Тошкент давлат маданият институтининг доценти Улугбек Каримовнинг кутубхоначиликнинг илмий асосларига доир изланишлари ҳам эътиборга сазовордир.

Уларни умумлаштирувчи илмий мақола эса Германияда чоп этиляётган "Кутубхоначилик ахборот технологиялари" деб номланган журналда ёритилди. Шунингдек, муаллифнинг самарали илмий изланишлари тўғрисида журналхонларга маълумот берилди.

Нуфузли немис журналин ўзининг кейинги сонларида ҳам ўзбекистонлик олимларнинг қатор ишларини чоп этишни режалаштирган.

А. АЛИЕВ

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида теришди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 7252
Буюртма Г— 116
E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқиб бoшлаган
Маъмулимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.